

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургона  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

№ 468-Ҳб Каттақўрғон ш. – г. Каттақурган

2016 у.г. «30» июни

«Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчасида жойлашган «GRANIKSGAZSERVIS» МЧЖга тегишли АЁҚШ ва АСГҚШ ни реконструкция қилиб, АЁҚШ қисмини «Аҳолига маиший балонларни газ билан тўлдириш шахобчаси»га мослаштириб қуришга рухсат бериш ҳақида».

Шаҳар ҳокимлиги девонхонасида 13.06.2016 йилда 7/186 билан қайд қилинган, «GRANIKSGAZSERVIS» МЧЖ нинг 09.06.2016 йилдаги Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 29.12.2004 йилдаги 593-к, 25.06.2009 йилдаги 354-к, 19.10.2015 йилдаги 793-к қарорларига асосан «GRANIKSGAZSERVIS» МЧЖга тегишли бўлган, Қорадарё кўчасида жойлашган АЁҚШ ва АСГҚШ ни реконструкция қилиб, АЁҚШ қисмини «Аҳолига маиший балонларни газ билан тўлдириш шахобчаси»га мослаштириб қуришга рухсат беришни сўраб ёзган №17-сонли хатини, шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инobatга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.02.2013 йилдаги № 54-сон «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 20.08.2013 йилдаги 229-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ягона қурилиш регламенти тизимини шакллантириш тўғрисида»ги ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 06.03.2013 йилдаги № 62-к қарорларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчасида жойлашган «GRANIKSGAZSERVIS» МЧЖ (Ш.Насиров)га тегишли АЁҚШ ва АСГҚШ ни реконструкция қилиб, АЁҚШ қисмини «Аҳолига маиший балонларни газ билан тўлдириш шахобчаси»га мослаштириб қуришга ҳамда атрофини ободонлаштиришга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар «GRANIKSGAZSERVIS» МЧЖ (Ш.Насиров)га белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун хужжатларни расмийлаштириш юклансин. Ушбу қарор объектни қуришга, реконструкция қилишга ва муҳандислик корхоналаридан техник шартлар ҳамда тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда қурилишни ҳамда реконструкция қилишни назорат қилиш шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими, шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Рахмонов